Ilm o'zni bilmakdir

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 21 январь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 6 (7003)

Da'vat

**Ўз болалигини унутган тарбиячи ёмон тарбиячидир.**

М. ЭБНЕР-ЭШЕНБАХ

Ibrat

**Фориш туманидаги 30-чўпон болалари уй-интернати тарбияланувчиларига «Соғлом авлод учун» жамғармаси вилоят бўлими 13 минг сўмлик совға салом ҳадя қилди.**

## ОЗОДАЛИК – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Эпидемиологик ҳолатлар бўйича республика Фавқулодда комиссиясининг якшанба куни бўлиб ўтган йиғилишида ана шу оддий ҳақиқат қайта-қайта таъкидланди. Йиғилишни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур комиссия раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Унда Тошкент шаҳридаги бугунги эпидемиологик вазият муҳокама қилинди. Йиғилишда таъкидландики, пойтахтдаги эпидемиологик ҳолат, ҳақиқатан ҳам, ташвиш туғдирадиган даражада қолмоқда. Гепатит, ўткир ошқозон-ичак касалликлари каби хасталикларга чалинганлар сони куздагига нисбатан бир оз камайган бўлса-да, аҳоли сонига нисбатан бундай беморлар миқдори жиҳатидан шаҳар ҳали ҳамон мамлакатда олдинги ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Хусусан, «Сариқ» касалига чалинганлар мамлакатнинг бошқа вилоятларидагига нисбатан деярли икки баравар кўп. Бунинг асосий сабабларидан бири шаҳарда тозаликка риоя қилиш даражасининг пастга тушиб кетганлигидир. Бу ҳол аҳоли истиқомат жойларида, айниқса, кўп қаватли уйлар атрофида жуда яққол кўзга ташланади. Маҳалла, мавзе ва гузарларда йиғилиб қолаётган чиқиндиларнинг ҳафталаб, ҳатто ойлаб қолиб кетиши, ариқ-зовурларнинг вақтида тозаланмаслиги, мактабгача тарбия муассасалари, бошқа таълим масканлари, умумий овқатланиш жойлари, жамоат транспорти, бозор, ҳаммом, сартарошхона, ҳатто шифохоналарда санитария-гигиена назоратининг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги вазиятни жуда мураккаблаштириб юборди. Шаҳардаги озодалик, тартиб-интизом, соғлом турмуш тарзи учун жавобгар бўлган уч юздан зиёд масъул шахсга нисбатан турли хил маъмурий чоралар кўрилганига қарамай, ишда силжиш сезилмаяпти. Туман ҳокимлари, маҳалла қўмиталари, коммунал хизмат идоралари, корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳам бу масъулиятли ишга панжа орасидан қарашга кўникиб қолган. Йўқса, шаҳарда 50 минг тоннага яқин саноат чиқиндиси йиғилиб қолганлигини нима билан изоҳлаш мумкин.

Йиғилишда соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари — республика бош санитария врачи Б. Ниёзматов, «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Ш. Темуров, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси А. Ҳабибуллаев, шаҳардаги айрим туман ҳокимлари ва бошқаларнинг ахбороти тингланди.

Комиссия йиғилишида ўз ишини эплолмаётган айрим масъул раҳбарларга нисбатан лавозимидан олишгача бўлган қатъий чоралар кўриш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Тошкентни мамлакатимизнинг энг озода ва ҳар томонлама намунали шаҳарларидан бирига айлантириш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Президентнинг давлат маслаҳатчиси — назорат инспекцияси раҳбари Ё. Жалолов сўзга чиқди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосарлари А. Азизхўжаев, Р. Юнусов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашдилар.

**(ЎзА).**



**Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги ногирон болаларнинг 9-махсус мактаб-интернатида ижодий меҳнат қилаётган талайгина ўқитувчилар бор. Улардан бири 1-тоифали ўқитувчи, мактаб услубиёт бирлашмаси бошлиғи Солия Пирматовадир. У ўқувчиларга бугунги ҳаётимизда энг зарур бўлаётган математика фани сирларини ўргатаяпти. Солия опанинг мактаб математика тўгарагида ҳамда ўқувчиларни туман, шаҳар фан олимпиадаларига тайёрлаш борасида ўтказаётган машғулотлари услубий жиҳатдан сермазмун ва қизиқарли ташкил қилиниши туфайли аҳамиятлидир.**

**Суратда: Солия Пирматова иқтидорли шогирди Дурдона Валихонова билан муҳим математик вазифа устида ишламоқдалар.**

**Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат**

## JUMLADA JAHON

**● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга икки кунлик расмий ташриф билан келган Украина Бош вазири Валерий Пустовойтенкони қабул қилиб, икки мамлакат иқтисодий интеграциялашуви жараёнининг жадаллашаётганлигидан ҳамда халқларимиз ўртасидаги дўстлик риштлари янада мустаҳкамланаётганлигидан мамнун эканлигини билдирди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони чиқди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарорига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Ер Кодеси»нинг лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун «Халқ сўзи ва «Народное слово» газетасида эълон қилинди.**

**● Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказида бўлиб ўтган «Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро тамойиллар ва уларнинг Ўзбекистон шароитида татбиқ этилиши» мавзуидаги халқаро семинарда юртимиздаги демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари ҳамда бошқарув тизимини такомиллаштириш муаммоларига эътибор қаратилди.**

**● Аҳмад Шоҳ Маъсуд билан толиблар қўшинлари ўртасида яқинда юз берган қаттиқ отишма Афғонистонда вазиятнинг яна кескинлашувига сабаб бўлди.**

**● Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ироқни қуролсизлантириш бўйича махсус комиссияси раҳбари Ричард Батлер Боғдодда Ироқ бош вазири Тариқ Азиз билан учрашиб, халқаро экспертларни ҳеч қандай тўсиқсиз мамлакатга киритишни талаб қилмоқчи.**

**● Ироқнинг БМТ текширувларига нисбатан кўрсатаётган қаршиликлари давом этса, Ироққа АҚШ ҳарбий ҳужум уюштириш нияти борлигини билдирмоқда.**

1998 yil — Oila yili

## ЯХШИ ФАРЗАНД ТЎРГА ЧОРЛАЙДИ...

«Таълим тўғрисида»ги Қонунда «Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини олишлари учун жавобгардирлар», дейилган. Демак, ҳар бир ота-она ўз фарзандини бахтли бўлишини истайди. Тўғри тарбия боланинг бахтли ҳаёт кечиришининг ягона кафолатидир. Ёшлигидан оилада тўғри тарбия олган боланинг маънавияти юксак бўлади. Бола мактабга борди. Бу боланинг таълим-тарбияси учун жавобгарлиги ота-онадан бутунлай соқит бўлди, дегани эмас. Айрим ота-оналар мактабга келиб: «Ўқитиш сизларнинг вазифангиз, шунинг учун ҳақ оласиз», деб ўқитувчиларни ранжитадилар.

Шифокор бўлиб ишлаётган қўшним бор. Ўғли мактабга қатнаган кунидан бошлаб ота-она назоратга олиб, ҳар куни қайси фандан дарс тинглагани, уйга берилган вазифаларни қандай бажараётгани, дарсга қўшимча нималардан фойдаланаётганлигини сўраб турдилар. Бир ҳафта ота, иккинчи ҳафтада она мактабга бориб ўғлининг ўқиши, ахлоқу одоби ҳақида ўқитувчилар билан суҳбатлашиб келади. Ўғли аъло баҳолар билан 11-синфни битирди. Ҳозир Тошкент иқтисодиёт университетининг иккинчи курсида таълим олмоқда. Унинг тенгдошларидан бештаси ҳеч қаерда ўқимайди ҳам, ишламайди ҳам. Оталари ишга киритиб қўйса, тез кунда ишни эплай олмай, бўшаб келадилар. Ота-онага боқиманда бўлиб, кўча-кўйда бекор юрибдилар. Бу иккала кўриниш ҳам болага ёшликдан берилган тарбиянинг натижаси. Демак, фарзанд мактаб ва оила ҳамжиҳатлигида камол топади.

«Ота-она, устоз-муаллим каби ўзидан улуғ кишиларга бўйсуниб итоат қилмоқ энг яхши сифатлардандир», дейди Абдулла Авлоний. Ота-она ўқитувчилар билан ҳамкорликда иш олиб борсаларгина ўз мақсадларига эришадилар. Мен танийдиган бола борки, ота-онаси жуда ювош, содда, лекин оиладаги уч ўғилни тўғри тарбия қила олмадилар. Болалар вояга етдилар, уйландилар ҳам. Оилада уруш-жанжал, бир-бирлари билан келишмаслик ҳолатлари учрайверди. Охири болалар улғайиб савдо ишлари билан шуғуллана бошладилар, болалар чет элларга бориб савдо қила бошладилар. Нопок йўлга кириб, бирни ўнга урдилар. Оқибатда бутун бойликларидан ажраб, яшаб турган ҳовлиларини сотиб, қарзларини уздилар. Ўзлари ота-она билан бир вақтлар бобосидан қолган кичик бир тор ҳовлига кўчиб боришга мажбур бўлдилар. Болаларнинг ноқобиллигига чидай олмай она вафот этди, ота афсус-надоматлар билан яшамоқда.

Бола тарбиясида оила аъзоларининг аҳиллиги, ҳамжиҳатлилиги, тотувлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Агар оилада эр билан хотин бир-бирига муҳрибон, ҳамфикр бўлмаса оила барбод бўлади. Бола мақсадсиз яшайди, жабр кўради. Ижтимоий ҳаётда оила аъзоларининг бирлиги табиий. Ҳуқуқий, маънавий, иқтисодий муносабатларга асосланган бўлади.

Болани ҳар томонлама тарбиялашда оила, мактаб, маҳалла қўмиталари ва жамоатчилик ҳамкорликда иш юритсалар, бунинг мевасидан бутун жамиятимиз баҳраманд бўлади.

**Ҳикматилла АБДУЛЛАЕВ, педагогика фанлари номзоди**

Taklif

## ВИДЕОДАРС ЯРАТИЛСА

Мактабдаги таълим-тарбия жараёнида дидактик тамойиллардан бири — кўргазмалилик аҳамиятини XVII асрдаёқ буюк чех педагоги Ян Амос Каменский асослаб берган. Унинг фикрича, билим беришда ўқувчи ҳис-туйғуларига қанчалик кўп таъсир этилса, шунчалик ишончлироқ бўлади. Кўз билан кўриш баробарида эшитиш, сезги орқали ўзлаштирилган нарса хотирада кўпроқ сақланиши педагогикада исботланган.

Мустақил Ўзбекистонимиз Президенти, йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг Ватан тараққиёти, давлатимизни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлида олиб бораётган кўпқиррали фаолияти, шунингдек ёш давлатимизнинг барча соҳалар бўйича эришган ютуқларини мактаб ўқувчиларига етказиш мақсадида сермазмун, рангли суратлар билан безатилган ўқув-қўлланма, адабиётларнинг вужудга келиши, айни муддао.

Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини муносиб эгаллашга интилаётгани ва бу борада кўпгина ибратли ишлар амалга оширилганлиги маълум. Бугунги кунга келиб жаҳоннинг АҚШ, Франция, Япония каби ривожланган давлатлари Ўзбекистонни тан олиб, республикамиз билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ришталарини ўрнатмоқдалар. Республика ёшларига «Умид» жамғармаси орқали жаҳоннинг энг нуфузли олий ўқув юртларида таълим олиш имкониятларининг яратилиши ҳам бунга далилдир.

Шу ўринда ўз таклифларимизни билдирмоқчи эдик. Ўзбекистонда бугунги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳалардаги муваффақиятли ютуқлар, ўзаро ҳамкорликнинг мевалари бўлган мамлакатимизда қурилаётган ва фойдаланишга топширилаётган йирик-йирик корхоналар ҳақида, чет давлатлар билан барча соҳада ҳамкорлик яратиш борасидаги давлатимиз ижтимоий-сиёсий йўналишида йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг ташкилотчилик саъй-ҳаракатлари тўғрисида ҳамда чет давлатлар раҳбарларининг бизнинг мамлакатимизга ва шахсан Президентимиз И. Каримовнинг мазкур давлатларга қилган расмий ташрифлари, бу ердаги тантанали кутиб олиш, кузатиш маросимлари хусусида мактаб ўқувчилари учун видеофильм шаклида 1-2 соатлик махсус ўқув-услубий қўлланма сифатида видеодарс тайёрланса ва республикамиз барча таълим муассасаларига тарқатилса, деган эзгу ниятимиз бор.

Зеро, ёш авлодни она-Ватанга садоқатли, меҳр-муҳаббатли этиб тарбиялаш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий билимларини кенгайтириш, Ўзбекистон ютуқлари, давлатимиз раҳбари билан ғурурланиш, ўз тарихимизни чуқур ўрганишга бўлган эҳтиёжларини ана шу мавзудаги видеодарслар бир қадар қондиради. Юз марта гапириш билан бир марта кўришнинг фарқи барчага аён-ку!

Бизнингча, бу ишни Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон телерадиокомпанияси билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширишни ўйлаб кўрса яхши бўлади. Юқоридаги фикрга яна шуни қўшишни истардикки, конкрет мисоллар ҳамда жаранглаган жонли кўргазмали видеодарснинг таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнида ўқувчи-талабаларга таъсирчанлиги юқори бўлиши учун керак бўлса, малакали сиёсий ҳамда иқтисодий шарҳловчилар имкониятидан фойдаланиш ҳам зарурдир. Зеро, мазкур видеодарс ҳеч қандай изоҳга муҳтож бўлмаслиги керак.

**Абдураззоқ КАРИМОВ, Бўстонлик туманидаги 6-мактаб-интернатнинг касаба уюшмаси раиси**

**БИЛМАСАНГИЗ, ХАТО ЁЗМАНГ! 2-бет**

**ФИТРАТ ВА ЭСКИ ТУРК АДАБИЁТИ 3-бет**

**МОМО ҚИШ 4-бет**

Qaror va ijro

## ОДОБНОМА НАМУНАСИ

**«АЛПОМИШ»НИНГ 1000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН**

«Алпомиш» эпоси том маънода халқ педагогикаси, одобнома дейиш мумкин. Жаҳон фольклоршунослари томонидан тан олинган, башарият бадиий хазинасидан муносиб ўрин олган шоҳ асарлардан қолишмайдиган бу достон педагогик жиҳатдан ҳам бағоят диққат-эътиборга моликдир. Унда инсоннинг ахлоқий-руҳий, жисмоний ва маънавий етуклиги етарлича тараннум этилибгина қолмай, балки ШАХС оилада, ҳаётда ахлоқий, маърифий, руҳий жиҳатдан мукаммал бўлиши, ибрат намунасига айланишига даъват этилади.

Бошқа ўзбек анъанавий халқ эпослари қатори «Алпомиш»нинг ҳам асрлар давомида халқ руҳиятида, ахлоқий, жисмоний тарбиясида муҳим ўрин тутиб келишининг боиси нимада? Қомусий асар деб тан олинган мазкур достоннинг бизнинг кунларимизда, хусусан келажаги буюк мамлакат тақдирини ҳал қилувчи ёшлар тарбиясидаги ўрни қаерда? Қуйида биз ана шу муаммонинг айрим қирраларигагина тўхталиб ўтмоқчимиз.

Маълумки, «Алпомиш» достони машҳур ўн олти уруғ— Қўнғирот уруғи бошлиқлари— ака-ука Бойбўри билан Бойсарининг бефарзандлиги тасвири билан бошланади. Асарда бўлажак алп баҳодирлар — Ҳакимбек (Алпомиш) ва Барчинойнинг ажойиб-ғаройиб ҳолатларда дунёга келишлари, Алпомишнинг баҳодирона ёшлиги ва биринчи бор жисмоний куч ишлатиб паҳлавонлик кўрсатиши, Бойсарининг Бойбўридан закот баҳонасида аразлаб Бойсун-Қўнғирот юртидан қалмоқлар элига кўчиши, баҳодирнинг ataштирган —бешиккерти ёрини олиб келиш учун ўзга юртга қаҳрамонона сафари ва Қоражон билан дўст тутиниши, рақиблари— қалмоқ алплари билан ёнма-ён туриб, талашда қолган Барчиннинг шартларини бажариши ва ёрини олиб ўз элига қайтиши; қайнотаси Бойсарини қутқариш учун иккинчи марта сафар қилганда, етти йил тутқинда қолиши, асирликдан оти Бойчибор ёрдамида қутулиб, ўз элида Барчинойнинг зўравон Ултонтоз билан бўлаётган тўйи устидан чиқиб қолиши ҳамда рақибини енгиб, ўз ҳокимиятини ўрнатиши воқеалари ниҳоятда қизиқарли тарзда тасвирланади... Бу воқеалар тасвирида ёшлар тарбияси, уларнинг ахлоқ-одоби ва ахлоқий-руҳий ҳамда жисмоний камолотига алоҳида эътибор берилади. Достонда Ватан ва ватанпарварлик, дўстлик, аҳиллик, биродарлик, меҳнатсеварлик, донолик, диёнат, мардлик, ҳушёрлик, тадбиркорлик, меҳмондўстлик, адолат, оила аҳиллиги-ю, фарзанд камолоти, қариндошчилик, сабр-қаноат, уддабуронлик, ғурур, шаън, фаросат, ёшлик қадри, кексалик сурури каби инсон тарбияси, руҳий, ахлоқий ва жисмоний етуклигида ҳал қилувчи хислат — фазилатлар, кўникмалар улуғланганига шоҳид бўласиз. Уларнинг акси — юртбузарлик, хиёнат, сотқинлик, танбаллик, нодонлик, манманлик, қўрқоқлик, эгрилик, калтабинлик, бахиллик, бевафолик, одобсизлик, оқибатсизлик, умидсизлик, ношудлик, фаросатсизлик, хушомад, миллий маҳдудлик каби инсон шаъни ва қадрини оёқ ости қилувчи ярамас хулқ-атворлар қораланади. Қисқаси, «Алпомиш» достонида ҳам, асар қаҳрамонларининг дунёга келиши, ўсиб-улғайиши, бошларидан кечирган саргузаштларини баён қилиш жараёнида одоб-ахлоқ масалаларига кенг ўрин берилади.

Достонда Ўзбек деган Буюк халқнинг қаҳрамонлик, баҳодирлик, алп-паҳлавонлик ҳақидаги идеаллари, жасурлик, довюраклик каби миллий туйғуси ёрқин тасвирланади. Бунга, аввало, ўтга солса куймас, қилич солса ўтмас, милтиқ отган билан ўқи ботмас Алпомиш ва жасур Барчинойнинг гап-сўзлари, саъй-ҳаракатлари, амалга оширган баҳодирлик ишлари мисол бўла олади. Дарҳақиқат, севги ва вафо, оила ва уруғ-аймоқ бирлиги, ўзлик ва ўзбекликни англаш —барчаси ватанпарварлик, юртсеварлик, халққа садоқат билан хизмат қилиш каби туйғулар билан узвий боғланиб кетади.

Асар қаҳрамонлари қаерда бўлмасинлар, шу эл, шу диёр соғинчи билан яшайдилар. Достон қаҳрамонларининг ўз қабиласи, демак, халқи ва юртига бўлган ватанпарварлик ҳислари, хусусан, достоннинг иккинчи қисмида ўқувчини тўлқинлантирадиган даражада тасвирланган. Бу ҳиссиёт, яъни Ватан севинчи, соғинчи ва туйғуси, Алпомишнинг зиндонда тут-

**(Давоми 2-бетда)**

## MMM XABARLARI

### МАҲАЛЛА, МАКТАБ ВА ОИЛА ҲАМКОРЛИГИ

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»ни изчил ўрганиш ва ундан келиб чиқадиган масалаларга бағишланиб Уйчи туманидаги 22-мактабда ўқитувчилар, ота-оналар ва маҳалла фаолларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққан «Ота-оналар қўмитаси»нинг раиси О. Абдуллаев, мактаб директори Й. Исоқов ва бошқалар ушбу қонунларни амалга оширишда мактабнинг, ота-оналарнинг вазифалари ва улар ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида гапиришди.

Шунингдек, ёшлар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олишда биргалашиб курашишга келишиб олишди.

**Х. КАРИМОВ**

### МАЪНАВИЯТ ГУРУНГЛАРИ

Маънавий етук авлодни шакллантириш ишига салмоқли улушларини қўшиш учун ТошДУ қошидаги Олий педагогика институти профессор-ўқитувчилари самарали йўлларни излаб топмоқдалар. Аввало, талабаларга таълим-тарбия берувчи ўқитувчи ва мураббийларнинг малакасини оширишда маънавиятга кенг эътибор қаратилмоқда. Ҳар чоршанба кунида вазирликлар, жамоат ташкилотларининг масъул ходимлари, олим ва ёзувчилар билан тингловчилар ўртасида маънавиятга бағишланган суҳбатлар уюштириляпти.

Ўтган чоршанбадаги суҳбат Тошкент Давлат тўқимачилик институти ректори, профессор Ҳалима Алимова ва Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг раиси, ёзувчи Неъмат Аминов билан бўлди.

**Т. ҒАЙБУЛЛАЕВ**

### ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ

Яқинда Каттақўрғон туманидаги 38-мактабда жажжи болажонларнинг «Алифбе» байрами ва 8-«А», «Б», 9-«А», «Б» синфлар ўртасида «Қувноқлар ва зукколар» беллашуви бўлиб ўтди.

Ушбу байрамларнинг сермазмун ўтишида ўқитувчилардан Қ. Исломова, Г. Нуриддинова, Г. Валиева ва Г. Қўлдошеваларнинг ташкилотчилик қобилиятлари билан ўқувчилардан М. Муҳитдинова, А. Ҳасанова, Э. Рўзмонов, С. Ғойирова ва Д. Юсуповалар фаоллигининг ўзаро уйғунлашуви сабаб бўлди.

**Ирода МУҲИДДИНОВА**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАЁТГАН НУФУЗЛИ ХОРИЖ ФИРМАСИГА ИҚТИДОРЛИ АГРОНОМ-ЭНТОМОЛОГ ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ИШЛАБ, ЯШАШГА ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ.**

**Номзоддан қуйидагилар талаб қилинади:**

1. Ихтисоси бўйича 5 йиллик иш стажи;
2. Муттасил сафарларга чиқишга имконияти;
3. 35 ёшдан юқори бўлмаслиги;
4. Транспорт бошқара олиши;
5. Инглиз тилини билиши.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги телефонга мурожаат қилинг: 136-54-17.

**Шошилинг! Танлов муддати 20 февралгача.**

# ОДОБНОМА НАМУНАСИ

(Боши 1-бетда)

қинлик даврида ғоз орқали она-юртга салом йўллашида, Барчиной, Қалдирғоч, Ёдгорбекларнинг ҳижрон алами ва изтироблари тасвирида, қаҳрамонларнинг йўлдаги учрашувлари эпизодларида янада ёрқин акс этган.

«Алпомиш» достонидаги қаҳрамонлар феъл-атворлари, хулқ-одобларини, инсоний фазилатларини кенгроқ очишда турли-туман лавҳалар, воқеалар, эътиқодлар, қайдлар, киши қалбини тўлқинлантирувчи муносабатлар, ҳолатлар, монолог-диалоглар, халқона иборалар, мақоллару ҳикматлардан ҳам унумли ва ўринли фойдаланилади. Мана, Алпомишнинг туғилиб ўсган диёри, халқини соғингандаги ҳолати тасвири:

**Асқар тоғи туманмикан,**
**Мен билмайман бу йўлларда,**
**Ота-онам омонмикан.**
**Кўрганим йўқ Қўнғирот элин,**
**Қадимгидай замонмикан?..**
**Тоққа чиқиб, шундай қараб турибди**
**Ёйлаб ётган Бойсин юртини кўрибди**
**Элатини кўриб кўнгли бузилди**
**Кўздан ёши мунчоқ-мунчоқ тизилди.**

Достонда юрт севинчи, халқ муҳаббати билан боғлиқ бундай фавқулодда ҳаяжонли, таъсирчан, кишини ўзгача ҳис-ҳаяжонга солувчи ўринлар кўплаб учрайди.

Дарҳақиқат, Алпомишнинг ўз севгилиси Барчинойнинг ўзга юртда душман қалмоқлар қўлидан қутқариш учун кўрсатган қаҳрамонлиги, оила бирлиги ва мустаҳкамлиги йўлида ақл-идрок билан иш юритиши, Барчинойнинг ҳам ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш учун қилган барча ҳаракати, ёрига вафодорлиги, оила ва фарзанд учун кураши фавқулодда гўзал, таъсирчан тасвирланган бўлиб, ҳар қандай ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

Достонда шундай бир эпизод бор: **«Алпомиш билан эндигина худони ўртага қўйиб дўст бўлган Қоражон Барчиннинг олдига келиб: — Қани, Барчин, Алпомиш бўлса келди, алпларнинг муҳлати бўлса битиб қолди, сен нима дейсан?» — деб сўрайди. Шунда Барчин унга шундай жавоб қилади: «Алпомиш келса келибди-да, Алпомиш келди, деб мен Алпомишнинг этагидан ушлаб кета берайинми? Бу алплар ҳам умид билан олти ойга муҳлат берган. Ҳар ким от солади, отини ўздирган одам олади, ҳар кимнинг ўз кўнгли ўзидан қолади. Менинг тўрт шартим бор, шу тўрт шартимни қилган кишимга тегаман. Хоҳи Алпомиш қилиб олсин, хоҳи қалмоқларнинг бири қилиб олсин!..».**

Барчиннинг бу сўзлари, аёл бўлса-да, ўз куч-қуввати ва жасоратига қатъий ишонганлигини кўрсатиш, жисмоний салоҳиятини кўз-кўз қилиш билан бирга, ақл-идроки, фаҳм-фаросати, адолат, инсоф, мардона иш тутишлигини яққол англатади. Шундай қилиб, Барчинда Алпомиш образидаги каби алплик, яъни паҳлавонлик, ботирлик, жангарилик, қайсарлик ҳақидаги халқ идеаллари акс этиши билан маъшуқалик, оналик фазилатлари ҳам чуқур тасвирланган. Қисқаси, «Алпомиш»даги Алпомиш, Барчин, Қалдирғоч, Қоражон, Ёдгор ва бошқа образлар ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам, келгусида ҳам ибрат, андоза олса арзийдиган халқ қаҳрамонларидандир.

Ушбу халқ эпосида ахлоқ-одоб, хусусан, жисмоний, ақлий ва руҳий тарбия бошдан-оёқ қизил ип бўлиб ўтади, унинг асосини ташкил этади, дейиш мумкин. Достоннинг бошидаёқ халқ одобномаси, ибратномаси, бошқача айтганда, халқ анъанавий педагогикасига дуч келамиз. Қаҳрамонлар олган илк тарбияга эътибор берайлик: **«...Шунда Бойбўрибой: «Энди ўғлим саводи чиқиб мулла бўлди, ўғлимга энди шоҳлик, сипоҳилик илмини ўргатайлик», деб мулладан чиқариб олди. Бойсари ҳам Бойбўрига таассуб қилди. Бул ҳам Ойбарчин қизини мактабдан чиқариб олди. «Қизимга Кўккамиш қўлида қўй соғдириб, чорвадорлик илмини ўргатайин, қўй соғмоққа уста бўлсин», — деди...».**

Алпомишнинг етти ёшда Алпинбий бобосидан қолган ўн тўрт ботмон биринчдан бўлган парли ёйни қулига ушлаб кўтариб тортиб қуйиб юбориши ва ўқнинг яшиндай бўлиб кетиб, Асқар тоғининг катта чўққиларини юлиб ўтиши ва овозаси оламга кетиши, оқибат-натижада уруғдошлар томонидан алп номини олиши ҳам болани ёшлигидан ҳам ақлий, ҳам жисмоний тарбиялаб, вояга етказиш билан боғлиқдир. Алпомишнинг парли ёйни кўтариб отиши душманларни ваҳимага солса, дўстларини шодон қилади: **«Ёйнинг ўқи яшиндай бўлиб кетди, Асқар тоғининг катта чўққиларини юлиб ўтди, овозаси оламга кетди. Буни эшитган душманлари: «Бу бола зўр бўпти, назар топибди, буларга ҳеч ким баробар бўла олмайди, етти яшар бола шундай ишни қилами?!» — деб хафа бўлиб ётди. Дўстларининг вақти хуш бўлиб юрди. Шунда барча халойиқлар йиғилиб келиб айтди: «Дунёдан бир кам тўқсон алп ўтди, алпларнинг бошлиғи Рустами Достон эди, охири бу Алпомиш алп бўлсин». Охири Алпомишбек алп бўлиб, тўқсон алпнинг бири бўлиб, санага ўтиб, алплик отини кўтариб, етти ёшида Алпомиш от қўйилди. Етти ёшида ёйни кўтариб отгани учун Алпомиш алп аталди».**

Барчин ҳам Қалдирғочойим ҳам, **«тили чиққандан, элга энгандан кейин... мактабга қўйди. Булар мактабда ўқиб юриб етти ёшга кирди. Бурро, саводхон, саводи чиқиб, хат ўқиб-ёзадиган мулла бўлди».** Шундай қилиб, болани жуда ёшликдан жисмоний чиниқтириш, куч-қувватли қилиш, қўрқмас, довюракли, жангар, қайсар (ижобий маънода, албатта) қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қилиш, ахлоқий-руҳий камолотга эриштиришни яхши йўлга қўйиш каби миллий, айни чоқда, умумбашарий ғоялар «Алпомиш» достони сюжетининг қат-қатларига сингдириб юборилган.

Достонда тасвирга олинган ўзбекона қадриятлар, удумлар, расм-русумлар, урф-одатлар, анъаналар барчаси инсон тарбияси, инсон камолоти билан чамбарчас боғлиқдир.

Хулласи калом, «Алпомиш» — халқимизнинг энг саррин, энг гўзал ва маъно-мазмуни кенг одобномаларидандир. Унда ўзбекона пандноманинг ёрқин саҳифаларига дуч келамиз. Достонни жонли анъаналарда бахшилар ижросида мўъжизакор дўмбира куйлари ҳамкорлигида тинглар ёхуд китоб ҳолида босилиб чиққанларини ўқир экансиз, одоб-ахлоқ, таълим-тарбияга оид кўплаб бебаҳо лавҳаларга, тушунчаларга, қайдларга дуч келасиз. Қисқаси, «Алпомиш» одоб фанининг қаймоғи. Достон, бошқа ўзбек **анъанавий халқ** достонлари каби ҳозирги ёшларни, келажак авлодларни миллий ифтихор, миллий виждон, ғурур ва миллий руҳда тарбиялашда муҳим ўрин тутиши, катта аҳамият **касб этиши** шак-шубҳасиздир.

**Малик МУРОД,**
**профессор**

Yangi alifboni o'rganamiz

# БИЛМАСАНГИЗ, ХАТО ЁЗМАНГ!

Хизмат сафари юзасидан Андижон, Наманган, Фарғона ва Бухоро вилоятларида бўлганимда, кўпгина зиё масканлари, кўча-хиёбонлардаги шиорлар, айниқса, муассаса ва корхоналар, ташкилот, бирлашма, хусусий дўконлар пешлавҳалари янги ўзбек алифбосидаги чалкашликлар, имловий хатолар кўзга ташланди. Бундай пала-партиш ёзувлар кишиларимизнинг савод чиқаришларига тўсиқ бўлмоқда. Бундай ёзувларни ҳар кимга эмас, фақат мутахассисларга ёздириш керак.

Маълумки, роман-герман тилларининг кўпчилигида, масалан, инглиз тилида «Xx» ҳарфи «экс» деб номланади. Янги ўзбек ёзувида эса «Xx» ҳарфи «Xx»дир. Бунинг фарқига борилмаган ҳолда «такси» сўзи «TAXI» тарзида нотўғри ёзилган. Тўғриси: «TAKSI».

Ўзбек кирилл алифбосидаги «е, ё, ю, я» ҳарфларининг янги ўзбек ёзувида ифодаланишида ҳам чалкашликлар содир бўлмоқда. «Й й» лашган унлилар ҳар вақт янги алифбомизда «уе, уо, уи, уа» тарзида ёзилавермайди. Ўзбек кирилл алифбосида «элак, эшик, дераза, терак» каби сўзлардаги «э» ва «е» ҳарфлари аслида бир хил товушнинг икки хил шакл ифодасидир. Яъни бўғин бошида «э», бўғин ичида эса «е» ҳарфлари биргина товуш (фонема)нинг икки хил ҳарф билан ифодаланиши қийинчилик келтириб чиқарар эди. Эндиликда янги ўзбек алифбосида бундай нуқсонлар бартараф этилди. Янги алифбода бир фонемага бир ҳарф олинганлиги, яъни «э» ва «е» ҳарфларига янги алифбода биргина «Ее»нинг олиниши мақсадга мувофиқдир. Масалан, Erkin (Эркин) ertak (эртак), bel (бел), teri (тери) каби.

Кириллчадаги «ё, ю, я» ҳарфлари янги ўзбек алифбосида бўғин таркибида, бўғин бошида «уо, уи, уа» шаклида, бўғин таркибида эса «о, и, а» тарзида ёзилади. Масалан, Yanvar (январь), yaxshi (яхши), snaryad (снаряд), hoshiya (ҳошия), xayriya (хайрия); sentabr (сентябрь), oktabr (октябрь), flaga (фляга), yubilar (юбиляр), yong'oq(ёнғоқ), muzyorar (музёрар), dunyo (дунё); dirijor (дирижёр), stajor (стажёр), schotchik (счётчик); Yulduz (Юлдуз), yumor (юмор), kecha-yu kunduz (кеча-ю кундуз).

Янги алифбо ва имлони ўқитиш-ўргатиш жараёнида расмлар асосида матн (ҳикоя) тузиш, диктант, баён, иншо каби назорат ишларида, айниқса, ўқувчи-талабалар, тингловчилар томонидан ўзбек кирилл ёзувида ҳам, ўзбек лотин ёзувида ҳам (яъни иккала алифбода) бир хил шаклдан — ҳарфдан иборат-у, аммо бошқа-бошқа товушни кўрсатадиган сўзларда имловий хатоликлар учрамоқда. Масалан: В, Р, У, Н, Е ҳарфлари ҳар икки алифбода бир хил ёзилгани билан бошқа-бошқа товушни ифодалайди.

Қуйида келтирилган сўзлар гарчи ҳар иккала алифбода бир хил ёзилса-да, тамомила бошқа-бошқа маъноли сўзлардир: ЕМ, НА, ОРА, ОН, ТОР, ВОВ, шунингдек, ўзбек кирилл алифбосидаги «ем, нон, ун, хам (пастга эгилган, қуйи солинган), мен, нам, оч, ер» сўзларини ҳар икки алифбодаги ҳарфларнинг ёзма шаклида ифодалаб кўрсангиз, тамоман бошқа-бошқа маъноли сўзларни ўқийсиз. Бундай ҳарфларнинг талаффузига, ўқилишига алоҳида эътибор бериб борилиши керак.

Янги алифбодаги Y (Й), B (Б), U (У), Z (З), S (С), R (Р), Q (Қ), N (Н), D (Д), F (Ф), G (Г), I (И), J (Ж), L (Л) товуш(ҳарф)ларига алоҳида диққат-эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

Ўзбек кирилл алифбосидаги «Шш», «Чч», «Нг нг»ларнинг янги ўзбек лотин алифбосида «Sh», «Ch», «Ng» тарзида, яъни ҳарфлар бирикмаси орқали ифодаланишига ҳамда бу товушларни билдирадиган ҳарфлар қўшилмаси иштирокидаги сўзлар бўғинга ажратилганда «ш, ч, нг»лар таркибидаги ҳарфлар ажратиб (бўлиб) юборилмаслиги зарур. Сўз таркибидаги ҳарфлар сидирғасига бош ҳарф билан ёзилганда ҳарф бирикмалари бош ҳарф билан ёзилишига ҳам диққат қилиниши керак.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, янги алифбодаги ёзувларга бефарқ, лоқайд бўлмайлик. Чунки имловий хато ёзилган сўзлар кўриш орқали хотирада сақлаб қолинса, ундан қутулиш бирмунча қийинлашади.

**Суннатулла РИЗАЕВ,**
**ЎзРПФИТИ Она тили ўқитиш назарияси ва методикаси бўлими мудири**



**Пойтахтимиздаги 224-мактабда ёш авлодга таълим-тарбия бериш жараёнида анчагина ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўқитувчи Холида Бўрибоева 4-синф ўқувчиларига меҳнат дарсида бичиш-тикиш ҳамда қоғоз, картон ва табиат материалларидан турли хил ўйинчоқлар ясаш сирларини ўргатиш билан бирга болаларнинг миллий ҳунармандчилик ва халқ амалий санъати ҳусусидаги тушунчаларини бойитмоқда. Бошланғич синф ўқитувчиси Раҳима Азимов эса 2-синфда бизни қуршаб турган ранг-баранг оламни акс эттирувчи ўқувчилар расмлари танловини уюштириб, уларда Она табиат, Ватанга муҳаббат туйғуларини шакллантирмоқда.**

**Суратларда: болалар эртак қаҳрамонлари юмшоқ ўйинчоқларини ясамоқдалар. Ўқитувчи шогирд ижодини баҳоламоқда.**

**Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар**



INTERNET

## ИЛМ-ФАН ДУНЁСИ ЯНГИЛИКЛАРИ

**Халқаро тамакига қарши кураш конгрессининг аниқлашича, аҳолисининг кўпчилик қисми чекувчилардан иборат бўлган давлатлар рўйхатининг биринчи ўрнида Швеция турар экан. Энг хатарлиси шундаки, бу давлатда чекиш асосан қизлар ва аёллар ўртасида авжга минган. Шу сабабли ҳам чекмаганларга қараганда чекувчилар тез-тез касалланиши, аёлларнинг 80 фоизи айни шу чекиш туфайли рак касалига осонлик билан чалиниши кузатишган.**

***

Мутахассисларнинг фикрига кўра, 2100 йилга келиб Ернинг ҳарорати 3,5 градусга, дунё океанининг кўрсаткичи эса 95 сантиметрга кўтарилади. Демак, иқлим ўзгариши муаммолари янги асрнинг охирида ҳам эскича қолаверади.

***

**Маккаи мукаррамада жойлашган «Қуръон ва Суннадаги илмий аломатлар» ассоциацияси олимлари Қуръони Каримдаги яна бир ҳикматни кашф этишди. Бу муборак каломда «Ой» сўзи ўн икки марта ва «Кун» сўзи эса 365 марта тилга олинганлиги аниқланди.**

***

Исми маълум қилинмаган америкалик олим 18 ой давомида инсонни тула нусхасини ярата олиши мумкин, деган баёнот тарқатди. Унинг сўзларига қараганда, бир одамни маълум даражада иккинчи бир одамга ўхшатиб нусхалаш мумкин экан. Европа Иттифоқидаги давлатларнинг кўпчилиги инсонни сунъий нусхалаш бўйича халқаро таъқиқ ҳақидаги ҳужжатга имзо чекишмоқчи.

**«Интернет» асосида**
**Н. ОЧИЛОВ тайёрлади.**

Taraddud

# БАРЧАГА БИРДЕК УСТОЗ

**Албатта, бу ҳаётда заррача бир сабоғини олган кишингни ҳурматлаб устоз дея атайсан. Лекин шундай инсонлар борки, улар барчага бирдек мураббий, барчага бирдек Устоз саналади. Шундайлардан бири, шаксиз, моҳир педагог, тажрибали бошланғич таълим устаси Оқилхон Шарафиддинов эди. Негаки ҳаммамизни ҳам илм аталмиш чексиз уммон сари етаклашда илк йўлчи-юлдуз бўлган — «Алифбе» китобининг илк муаллифларидан бири эди, Оқилхон ака.**

**Агар Оқилхон Шарафиддинов ҳаёт бўлганларида шундайин ҳур кунларда ўзларининг 100 ёшларини қаршилаган бўлардилар. У кишининг таълим-тарбия ишига қўшган улкан ҳиссаларини инобатга олиб, унинг бой мероси билан жамоатчиликни таништириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги Оқилхон Шарафиддиновнинг 100 йиллик юбилейини кенг нишонлашга қарор қилди. Ўтган ҳафта ушбу тантаналарни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тузилган ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни гуруҳ раиси, халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов олиб борди.**

**— Менинг қўлимда Оқилхон Шарафиддиновни устозим, биринчи ўқитувчим деб, унинг меҳнатига миннатдорчилик билдирган бир талай мактублар бор, — деди Й. Саиджонов. — Улар орасида жамики соҳа кишилари, етук профессорлар, академиклар ҳам бор. Бу дегани уларнинг барчаси домланинг «Алифбе»ларидан ҳарф ўрганиб, илм чўққисига кўтарилишган. Демак, шундайин бир ибратли умр соҳибининг ҳаёт йўлини нафақат эслаш, балки уни бор бўй-басти билан кўрсата билишимиз кераки, токи ёшларга бу машаққатли ҳамда сермазмун йўл ўрнак, намуна бўла олсин.**

**Ишчи гуруҳи аъзолари юбилей тадбирларини имкон қадар кенг миқёсда ўтказиш билан боғлиқ талайгина таклифларни айтишди. Жумладан, март ойи давомида илм масканларида, малака ошириш институтларида Оқилхон Шарафиддиновнинг фарзандлари, қариндош-уруғлари билан учрашувлар ўтказиш, Қори Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида олим илмий фаолияти мавзуида илмий-амалий семинар ташкил этилиши шулар жумласидан. Шунингдек, апрель ойи бошида Оқилхон Шарафиддинов юбилейига бағишланган ялпи йиғилиш ўтказишга келишиб олинди. Ишчи гуруҳ йиғилишида олимнинг ўғли Тўлқин Шарафиддинов иштирок этди.**

**Мухбиримиз**

# ОИЛА — ИЛМ ГУЛШАНИ

## ЁХУД МУАЛЛИМЛАР СУЛОЛАСИ ХУСУСИДА

**Оққан дарё оқаверади, дейди доно халқимиз. Бухорода озмунча илм-фан фидойилари, закий инсонлар ўтмаган. Аҳмад Дониш, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Мусо Саиджонов ва Иброҳим Мўминов авлодлари келажакка умид билан яшаб, мамлакатимизнинг илм-фани ривожида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Вилоятда умрини илм-фанга, эл-юрт фарзандларини маърифатли қилишга бағишлаган, муаллимлар сулолалари кўплаб учрайди.**

### ТИЛ ҚАДРИГА ЕТАР ТИЛ БИЛГАН

Ана шундай эзгу анъаналарни давом эттириб келаётганлардан бири филология фанлари доктори, профессор, Бухоро давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасининг мудири Ҳамид Неъматовдир.

Ёш Ҳамид отасининг меҳмонхонасида Низомий ва Навоийнинг «Хамса»лари, Фирдавсий «Шоҳнома»си, Жалолиддин Румийнинг «Маснавий маънавий»си, Абдураҳмон Жомийнинг «Шарҳи мулло»си, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Тафсири Ҳусайния»си, Ҳофиз, Саъдий, Навоий, Фузулий, Насимий ғазаллари такрор-такрор ўқиб шарҳланар, Ибн Рушд, Иброҳим Адҳам, Юсуф Ҳамадоний, Мансур Халлож, Абдулло Ансорий, Аҳмад Яссавий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Абдуқодир Жилоний, Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбандий, Румий таълимотлари муҳокама қилинарди. Ҳамид ёшлигидан араб тили асослари, Қуръон тиловати ва шарҳи, аруз мақоми, Шашмақом савти, тасаввуф таълимоти, форсий ва туркий адабиёт дурдоналарини шу ерда ўрганди. Ўша кезларда у илм остонасидан ҳатлаб ўтиб, унинг чексиз уммонига илк қадам қўйиб улгурган эди.

1961 йилда Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) университети шарқ факультетига ўқишга кирди. Ноёб қобилият эгаси бўлган ёш Ҳамидга биринчи ўқув йилининг иккинчи ярмиданоқ шахсий режа асосида ўқиш, фалсафа, тарих, ҳуқуқшунослик факультетларида ўтиладиган фанлардан маъруза тинглаш ва ўзи учун ихтисослаштирилган махсус курслар уюштиришни сўраш ҳуқуқи берилган. У киши араб, форс, рус, немис, француз ва инглиз тилларида эркин мусоҳаба эта олади. Бугунги ёшларимиз бундан ибрат олсалар арзийди.

Ҳ. Неъматовнинг «Юсуф Амирийнинг «Банг ва чоғир» мунозарасининг хусусиятлари» мавзусида диплом, «Маҳмуд Кошғорий «Девон»и материаллари асосида феъл морфологияси» мавзуидаги номзодлик «XI—XII асрларда Шарқий туркий тилнинг морфологияси» мавзуидаги докторлик ва қатор бошқа илмий ишлари тил муаммоларига бағишланди.

— Болада аввало билим олишга рағбат, эҳтиёж керак, — дейди олим. — У билимни излашга ўргансин. Қолаверса, унинг мустақил фикрлаши ҳам айнан шу изланишдан туғилади. Ҳ. Неъматов айтган гаплар шунчаки, йўлигагина айтиб кетилган жўн гаплар эмас. У айни дамда муҳим бўлган мустақил фикрлашга доир энг адолатли ва тўғри гапни айтди.

Домла ўн икки нафар фан номзоди ва уч нафар фан докторига раҳбарлик қилдилар. Қизлари Гулнозахон ва Лолахонлар Бухоро давлат университети филология факультетини тугатишди. Гулнозахон оталари изидан бориб олима бўлмоқчи. У «Ўзбек тилида ўсимлик номлари лексикалари тизими ва унинг бадиий қўлланилиши» мавзуидаги номзодлик ишини ҳимоя этиш арафасида турибди.

Ҳ. Неъматовнинг бир-биридан ширин уч нафар набиралари бор. Ким билади дейсиз, улар ҳам келажакда боболаридек эл севган ўқитувчи бўлишар.

### ИЗЛАНГАНГА ИМКОНДИР ДУНЁ

Эндиги ҳикоямиз қаҳрамони Бухоро давлат университети ижтимоий фанлар ўқув маркази директори, фалсафа фанлари доктори, 36 ёшли профессор Баҳодир Эргашев. У киши Бухоро шаҳридаги 2-ўрта мактабни олтин медал билан, 1983 йилда ТошДУ фалсафа-иқтисод факультетини имтиёзли диплом билан тугатган. 1986 йилда «Бухоро Амирлигида миллий-озодлик ҳаракати мафкураси» мавзусида илмий ишини ҳимоя қилиб, фан номзоди илмий даражасини эгаллаган. 1987 йилдан эътиборан Бухоро давлат озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтида аввал ассисент, катта ўқитувчи, доцент, сўнгра сиёсатшунослик ва ҳуқуқ кафедраси мудири лавозимларида ишлади. Ёш олим 1992 йилда «Жадидизм ижтимоий-сиёсий ғоялари тарихидан «Ёш бухороликлар» мафкураси» мавзуидаги докторлик диссертациясини ёқлади.

Баҳодир Эргашев чин маънодаги зиёлилар оиласидан. Оналари Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Назира Ҳайдарова 1972 йилдан буён Бухоро шаҳридаги 17-ўрта мактаб директори, математика фани ўқитувчиси. (Назира опанинг опа-сингиллари, акалари ҳам илм кишилари). Отаси Ҳожиқурбон Эргашев Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими. Ҳожиқурбон аканинг тоғаси Ўрта Осиё университети (ҳозирги ТошДУ)нинг ишчилар факультетини тугатганди. У 1938 йил қатоғоннинг қурбони бўлган. Ҳожимурод аканинг оналари Малика момо (1924—1995) Ромитан туманида 53 йил ўқитувчилик қилганлар.

Баҳодир аканинг икки сингиллари бўлиб, уларнинг ҳар иккиси ҳам ўқитувчи. Турмуш ўртоғи Лола Ёдгорова шаҳардаги 24-ўрта мактабда информатика фанидан сабоқ беради. У кишининг отаси — Жалол ака Бухоро давлат университети бадиий графика ва халқ амалий санъати факультети декани, техника фанлари номзоди.

Эҳ-ҳе, Бухорода бундай таълим фидойиларини, илму фан сулолаларининг ворисларини санаб саноғига етиб бўлмайди.

**Норали ОЧИЛОВ,**
**«Маърифат»нинг махсус мухбири**

# ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

**Афғонистон пойтахти Қобулдаги пул бозорларида савдонинг чўғи паст. Толиблар мулозимлари Афғонистон пул бирлиги — афғонийнинг қадрини тутиб туриш учун маълум чоралар қабул қилганлар. Пойтахтнинг айрим пул бозорлари ёпиб қўйилган. Бунга сабаб Толиблар маъмурияти чиқарган янги қарор, яъни ҳар бир олди-сотди билан шуғулланадиган шахс рўйхатдан ўтиб, рухсатнома олиши лозимлиги, аксарият ҳолларда эътибордан четда қолганлигидир.**

**«BBC» (Лондон)**

* * *

**Президент Борис Ельцин меҳнат таътилини якунлаб, жорий йилда биринчи марта Душанба куни Кремлда ўз ишини қабул қилди. Давлат бошлиғининг биринчи иш куни кескин ўтди.**

**«Канал молодёжи» (Москва)**

* * *

**Грузия раҳбарияти Абхаз кескинликларини тўхтатди. Душанба куни Президент Эдуард Шеварднадзе Миллий радиодан ана шундай баёнот эълон қилди. Унинг сўзларига қараганда, беш йилдан буён давом эттирилаётган музокаралар ҳозирча ҳеч қандай тегишли натижа келтирмаган.**

**«Маяк» (Москва)**

* * *

**Оқ уй маъмурияти Хитой билан муносабатларни яхшилаш йўл-йўриқларини ўрганиб чиқмоқда. Айтилишича, шундай тадбирлар орасида Хитойга юбориладиган айрим ҳарбий техника турларига нисбатан таъқиқни бир оз юмшатиш ҳам бор. Айтилишича, Осиё минтақасига қилган сафаридан аввал Қўшма Штатлар мудофаа вазири Уилям Хуэн 1989 йилги Коналлик майдонда содир этилган фожиа муносабати билан жорий этилган санкцияга қарамасдан, Америка ҳарбий саноатининг Хитойга эҳтиёт қисмлар сотишга рухсат берилишини қатъий талаб қилган. Бироқ Хуэн санкциянинг бутунлай инкор этилишини эмас, балки айрим ҳарбий ширкатларнинг Хитой билан ҳамкорлик қилишларига йўл очиши юзасидан маъмуриятга босим бермоқда.**

**«Озодлик» (Прага)**

# ЯНГИ ДАРСЛИККА ЙЎЛЛАНМА БЕРИЛДИ

Тез оқар сув ўзини ювиб-тозалаб боради, дейди халқимиз. Замон ҳам шундай: баҳолайди, саралайди, хулосалайди. Айниқса, республикамизнинг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» қабул қилингандан кейин таълимда ҳам худди шундай тозалаш жараёни бошланиб кетди. Бундан, албатта, дарсликлар мустасно эмас. Шуниси аниқки, ўлмас ихтиролари, янгиликлари бор дарсликлар ўқувчининг кўнгил эҳтиёжига айланиб бораверади. Куни кеча республика Таълим марказида (Германияда 5 минг нусхада чоп этилган) «Немис тили» (5-синфлар учун) дарслигини синовдан ўтказиш мавзуига бағишланган икки кунлик семинарда ана шу фикрлар хаёлимиздан ўтди.

Амалий семинар ишида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов, хусусан, икки давлатнинг таълим соҳасидаги ҳамкорлиги, дарслик яратиш жараёни, шунингдек, муаллифлар гуруҳи меҳнатига тўхталиб, Тошкентдаги Германия элчихонасининг немис тилини Ўзбекистонда ўқитиш бўйича маслаҳатчиси Вольфганг Кайнц, Гёте институти вакили Латорахоним ва бошқаларга бевосита кўмаклари учун вазирлик номидан миннатдорчилик изҳор этди.

Й. Саиджонов мазкур китоб-қўлланманинг яратилишида тер тўккан унинг муаллифлари — Тошкентдаги 60, 101, 188-мактаб ўқитувчилари Наталья Суханова, Ольга Спасова, Татьяна Гимадиева, Чирчиқ шаҳридаги 9-мактаб ўқитувчиси Зульфира Шайхутдинова, Қўқон давлат педагогика институти ўқитувчиси Фазилат Тиллахўжаеваларнинг икки йиллик самарали меҳнати ва Гёте институтининг кўмаги алоҳида таҳсинга лойиқ эканлигини таъкидлади. Мажмуадан ўқувчи учун дарслик ва иш дафтари, ўқитувчи учун қўлланма, дарслик аудикассетаси ўрин олган.

Оддий мактабларга мўлжалланган бу дарсликда 15 та мавзу атрофлича ёритилган. Ҳар бир мавзу бўйича 5-6 соат дарс ўтиш мумкин.

— Мазкур дарслик таълим барча тилда олиб бориладиган мактабларга мўлжалланган бўлса-да, — деди РТМ Ғарбий Европа тиллари бўлими бошлиғи Туркман Очилов, — ундаги матнлар, машқлар, топшириқлар, шартлар, матнлардаги сўзлар луғати — ҳамма-ҳаммаси фақат немис тилида берилган. Республика мактабларида немисча-ўзбекча луғатларнинг етишмаслигини ҳисобга олган ҳолда дарсликдаги луғат немисча-ўзбекча-русча луғат тарзида берилади.

— Дарслик комплект типида яратилгани, айниқса, менга маъқул бўлди, — деди Бухоро ВПХМОИ хорижий тиллар кабинети мудири Ражаб Муродов. — Қулайлиги шундаки, ўқувчи алоҳида дафтарга эҳтиёж сезмайди. Яна бир афзал томони, унда асосий урғу оғзаки нутққа қаратилган. Ундан ташқари, дасрликда расмлар жуда кўп. Ўқувчи луғат қидирмасдан матн мазмунини суратлар орқали билиб олишга ҳаракат қилади.

Синов майдонига йўл олаётган бу дарслик ҳақидаги бундай ижобий фикрларни Жаҳон тиллари университети доцентлари Мансура Дадахўжаева, Светлана Новикова, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети ўқитувчиси Евгения Макеевалар ҳам билдирилар. Очиғи, фикрларни тинглаб, семинар қатнашчилари учун ташкил этилган машғулотларда иштирок этиб, бизни бир олам қувонч чулғади. Қанийди, бошқа фанлар бўйича яратилаётган дарсликлар ҳақида ҳам фақат илиқ, яхши сўзлар айтилса!

Сирасини айтганда, мазкур дарслик Тошкент шаҳри ва вилояти, Самарқанд, Бухоро, Фарғона вилоятлари мактабларида синовдан ўтказилади. Синов дарслигининг 1 — 5-мавзулари бўйича батафсил фикрлар февраль ойи якунида айтилади. Қолган 10 та мавзу юзасидан билдирилган мулоҳазалар, тилак ва истаклар эса май ойи охирида умумлаштирилади. Таклифлар асосидаги ўзгаришлардан кейин мажмуа тўлиқ нашрга тавсия этилади. Худди шундай тартибда 6 — 9-синфлар учун ҳам дарсликлар чоп этилади.

**Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ**

Sinab k'oring

# ДАРСЛАР ТУРЛИЧА, МАҚСАД БИТТА

Республика ҳунар-техника ходимлари малакасини ошириш институтида малака ошираётган тингловчиларнинг кўчма машғулотларини уюштириш, билим юрти тарихи, устахона ва ўқув хоналари билан тингловчиларни таништириш, ўзаро тажриба алмашиш мақсадида дарсларга киришни амалга ошириш йўлида Енгил саноат лицейи тажрибали услубчиси М. Муҳаммаджоновнинг хизмати ниҳоятда каттадир.

Ҳар ойда мазкур институтнинг енгил саноат гуруҳи тингловчилари билан ўтказиладиган кўчма машғулотлардан бири ушбу енгил саноат лицейида ўтказилади. Машғулотлар пайтида тингловчилар билим юртининг тажрибали уста ва ўқитувчилари дарсларида бўлишиб, бу ердаги ўқитиш жараёнини таҳлил қиладилар.

Ана шундай ўтилган дарслар ичида, айниқса, билим юрти олий тоифали ўқитувчиси Р. Ҳасанованинг ниҳоятда қизиқарли, жонли ўтган дарслари тингловчиларда қизиқиш уйғотди. У материалшунослик фани бўйича нафақат тажрибали ўқитувчи, балки бир нечта дидактик ўйинларнинг муаллифидир.

Римма Ҳасанованинг деярли ҳамма дарслари ноанъанавий кўринишда ўтказилиб, ўқувчиларнинг дарс мобайнида ўзларини эркин сезишлари, мустақил фикрлай олишлари, ўзларини ишлаб чиқариш корхоналаридагидек ҳис қилишларининг гувоҳи бўласиз.

Дарс орасида 5—6 минутлик «танаффус» ўтказилиб, ҳар гал 2 ўқувчи чиқиб, бири тартиб номери бўйича санайди, 2-ўқувчи эса «стоп» буйруғини бериши керак. «Стоп» буйруғига тўғри келган 3 та ўқувчи «танаффус» учун мўлжалланган топшириқ карточкаларини тортишлари керак. Топшириқ карточкалари саволлари қуйидагилардан иборат: мавзуга оид кроссворд тузиш, топишмоқ айтиш, шеър тўқиб келиш, қизиқарли латифалар айтиш, дунё хабарларидан айтиш, рақс тушиш.

Курс тингловчилари Римма опа ўқитаётган ўқувчилар фақат ўтилаётган мавзуга тайёргарлик кўриб қолмасдан, келгуси дарсга янгиликлар, изланишлар билан келишининг гувоҳи бўлишди.

Бу ерда ўқувчиларни баҳолашда баҳолашнинг рейтинг системасидан фойдаланишади. Ҳар бир ўқувчи ўзининг ҳаққоний, чинакам баҳосини доскада кўриб туради. Ҳар бир катта мавзудан сўнг гуруҳ ўқувчилари учга бўлиниб, савол-жавоб ўтказилади. Ҳар бир гуруҳ учун алоҳида 10—15 та савол тузилади. Ўқитувчи саволларни ўқийди, ўқувчилар эса тезда жавобларини топишлари керак. Ҳамма саволларга тўлиқ жавоб топган гуруҳ ўқувчиларининг баҳоси «5» деб қўйилади ва ҳоказо.

Ўқув даргоҳида билим, тайёргарлик даражасига кўра ўқувчилар 1-қатор аълочилар, 2-қатор яхши ўқийдиганлар ва 3-қатор ўрта, бўш ўқийдиганлар қатори бўлиб тақсимланар, сўнгги қаторни эса «қора парта» дейишар экан.

«Қора парта»га ўтириб қолган ўқувчи қандай бўлмасин, олдинги қаторга ўтишга ҳаракат қилар экан. Бу эса жуда яхши самара бермоқда.

Билимдон ўқитувчи Р. Ҳасанованинг илғор педагогик тажрибалари бизда ва республиканинг турли вилоятларидан келган тингловчиларда катта таассурот қолдирди. Ишбилармон, изланувчан, меҳри дарё бундай устозимизнинг келгуси ишларида катта омадлар тилаймиз.

**Ф. ҚАЮМОВА,**
**республика ҳунар-техника ходимлари малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси**

# КИТОБЧАДА АКС ЭТГАН ҲАЁТ

**Норин туманидаги 37-ўрта мактабда кўплаб таълим жонкуярлари меҳнат қилишади.**

**С. Норқўзиев ҳам шу ерда меҳнат қилаётган ижодкор ўқитувчи. У дарс жараёнида ўқитишнинг турли ноанъанавий усулларини кенг қўллайди, ўқув ва техника воситаларидан унумли фойдаланади. Бундан ташқари, С. Норқўзиев 1995—96 ўқув йилида мактаб (мактабга тамал тоши 1922 йилда қўйилган) тарихини ёзишга киришганди. Изланишлар самараси ўлароқ Солижон Норқўзиевнинг Ёқубжон Дармонов ҳаммуаллифлигида 37-мактабнинг 75 йиллигига бағишланган, «Ўриксордаги қанотбахш даргоҳ» китобчаси нашр этилди.**

**Жамоанинг навбатдаги йиғилишида айтилган бу хабар муаллимларни ҳаяжонлантириб юборди. Йиғилганлар китобча муаллифига, нафақага чиққан бўлишига қарамай, таълим-тарбия ишида чарчаш нималигини билмайдиган камтарин инсон, илғор муаллим Солижон Норқўзиевга зимдан ҳавас билан назар ташлаб қўйишди.**

**Илғор муаллим шу кунларда яна бир савобли ишга қўл урган. У мактаб раҳбари ҳамда бир гуруҳ жамоа фаоллари билан биргаликда мактаб музейини яратиш борасида жонбозлик қилаётир. Устозга бу каби эзгу ишларни амалга оширишда куч-ғайрат тилаб қоламиз.**

**Ғуломжон ДЕҲҚОНОВ,**
**Наманган вилояти**

Taklif

# МАХСУС ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақириқ тўққизинчи сессиясида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»нинг қабул қилиниши айни муддао бўлди. Биз ҳам махсус таълимдаги муаммолар хусусида сўз юритмоқчимиз. Маълумки, бизда оммавий мактаблардан ташқари кар-соқов, ақлан заиф ва кўзи ожизларга мўлжалланган махсус таълим тизими ҳам бор. Бу тармоқларнинг ҳар бирида ўзига хос муаммолар ва турли етишмовчиликлар ҳам мавжуд. Булардан бири кўзи ожизларга бериладиган махсус таълимдир. Жумҳуриятимизда бу турдаги махсус мактаб-интернатлар сони 8 та бўлиб, уларда бир ярим мингдан кўпроқ кўзи ожиз болалар таълим-тарбия олишади. Булардан иккитаси, яъни Қарши ва Фарғона шаҳарларидагиси янгидан ташкил этилган бўлиб, қолганлари ўрта махсус таълим беришга ихтисослаштирилгандир. Барча мактаб-интернатларимизда битта муштарак муаммо борки, уларни маҳаллий шароитда ижобий ҳал қилиб бўлмайди. Бу ҳам бўлса, ўқув қуролларининг, яъни приборлар, грифиллар, брайлча ёзув қоғозларининг мутлақо йўқлиги, дарслик адабиётларининг етишмаслигидир. Бу масалалар фақат республика Халқ таълими вазирлиги орқалигина ўзининг амалдаги ечимини топиши мумкин, холос. Чунки приборлар ва грифиллар илгарилари Россиядан келтирилар эди. Брайлча ёзув қоғозлари эса Болтиқбўйи республикаларидан олиб келинарди. Дарсликлар, адабиётлар кўзи ожизлар жамиятининг яккаю-ягона босмахонасида Халқ таълими вазирлигининг буюртмаси асосида чоп қилиниб келинган. Эндиликда бундай махсус қоғоз йўқ. Бундан кейин ушбу қоғозни ғўзапоя хомашёсидан Намангандаги қоғоз ишлаб чиқариш корхонасида чиқаришни йўлга қўйиш мумкин. Приборлар ва грифилларни ҳам ҳозирча Россия давлатидан олиб келиш, кейинчалик эса, бемалол ўзимизда ишлаб чиқаришни тўлалигича йўлга қўйиш мумкин бўлади. Бундан ташқари бизда катта ёшдаги кўзи ожизлар учун махсус мактаблар, ишчи-ёшлар мактаблари ҳам бор. Уларда ҳам асосан шу муаммолар ишнинг муваффақиятли ҳал бўлишига ҳалал бермоқда. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган юзлаб кўзи ожиз талабалар ҳам ушбу муаммолар туфайли ўқиш, фан сирларини чуқур, пухта ва мукаммал эгаллашда қийналмоқдалар. Бунинг устига кўзи ожиз талабалар учун брайлча дарсликлар умуман йўқ. Мазкур тақчилликлар боис кўзи ожизларга маданий-маърифий хизмат кўрсатувчи кутубхоналаримизда бадиий адабиётларнинг сони ҳам сўнгги йилларда камайиб кетди. Кўзи ожизлар жамиятининг «Бир сафда» журнали, ногиронлар, кар-соқовлар ва кўзи ожизлар жамиятларининг «Қадрият» газетасининг барча харажатларини худди болаларнинг нашрлари сингари давлатимиз тўлалигича ўзининг ҳомийлигига, ҳимоясига ва қарамоғига олмоғи лозим. Махсус таълимдаги муаммоларни бартараф этишга эса, республикамиздаги манфаатдор идоралар, вазирлик жиддий эътибор беришлари лозим. Чунки бу ишни сира ҳам кечиктириб, пайсалга солиб бўлмайди.

**Акбар ҲАЙДАРОВ,**
**Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти Бухоро вилояти бошқаруви раёсатининг раиси**

# ФИТРАТ ВА ЭСКИ ТУРК АДАБИЁТИ

Фитратнинг фаолиятини ҳаракатлантирган куч — Туркистон ҳурлиги ғояси эди. Хоҳ бадиий асарларида бўлсин, хоҳ илмий-назарий ёхуд оммабоп асарларида бўлсин, адиб бу маслакдан сира ҳам четлашган эмас. Зеро, у «Тилимиз» (1919) номли мақоласини шундай ёлқинли сўзлар билан бошлаган эди: «Дунёдаги энг бой, энг бахтсиз бир тил қайси тилдир? Биласизми? Туркча...».

20-йиллар ўрталарига қадар давом этган вақтинчалик сўз эркинлиги (ҳали бу вақтда компартиянинг сўз эркинлигини бўғиш учун қўли бўшамаган) шундай оҳангда гапиришга изн берар эди. Бироқ кейинчалик рўй берган воқеалар Фитратни ҳам анча ҳушёр тортишга мажбур этди («Туркистон мухторияти»нинг қонга ботирилиши, Бухоро амирлигига қилинган шафқатсиз босқинларни кўзда тутмоқдамиз). У курашнинг яширин ва самарали усули — илм-маърифат йўлини тутди ва шу йўлда фаолиятга киришди.

«Сарф» (1924), «Наҳв» (1925) каби тилшуносликка оид асарлар тилимизнинг яширин имкониятларини кашф этиш учун ёзилди. «Биз тил қоидалари ҳам унинг атамалари (истилоҳ ҳоллари) тўғрисида ишлашнинг ҳали биринчи пайтида ёшаймиз. Шунинг учун тилимизнинг қоидаларини бутунлай майдонға қуюб, атамаларини собит бир ҳолға келтира олғонимиз йўқ... Тилимизнинг бутун қоидаларини аниқлаб, атамаларини майдонға қуймоқ учун, яна бир оз тиришмоғимиз, бирбиримизга кўмак қилишимиз лозим», деб ёзган эди у «Наҳв» сўзбошисида. 1927 йили яратилган «Энг эски турк адабиёти намуналари»да юқоридаги фикрлар ривожлантирилади. Бу халқ оғзаки ижоди намуналари, туркий тиллар таснифи масаласида йирик мустаъшриқлар — Радлов, Самайлович, Нажиб Осимбек, Купрулизодалар билан қилинган илмий баҳсларда кўринади. Баҳслар хусусида профессор Б.Қосимов ўзининг «Маслакдошлар» китобида қисман тўхталган.

Фитрат Радлов ва Самайлович билан айнан туркий тиллар таснифи борасида мунозарага киришади. У туркий тил тўрт «кўма»га ҳам (Самайлович таснифи) беш «кўма»га ҳам (Радлов таснифи) ажралмаслигини, балки Маҳмуд Қошғарий таснифи буларнинг энг тўғриси эканлигини айтди. Фитрат мутлақо ҳақ эди. У ўзбек адабий тили, хусусан, Навоий даври тили — Чиғатой туркчасининг онаси, юқорида тилга олинган, «ҳоқоний туркчаси»дир, дея қатъий хулосага келади. «Мана шул адабий шеванинг (ҳоқоний туркча кўзда тутилмоқда — У.Ж.) беш аср кейинги шакли Чиғатойчадир», деб ёзади у. Адабиёт тарихини ўрганувчилар ҳам, аввало, мана шу «ҳоқоний туркчаси»ни тўла ўзлаштириб олишлари лозимлигини таъкидлайди. Бундан кўринадики, адабиёт тарихини ўрганишни энг эски турк адабиёти тарихидан, яъни «Девону луғотит турк»ни ўрганишдан бошлаш мақсадга мувофиқдир. «Девону луғотит турк» саҳифаларидан жой олган энг қадимги халқ оғзаки ижоди намуналари ва бу давр тили кейинги шеъриятимизга асос бўлгани шубҳасиз. Бунинг ёрқин мисоли ҳазрат Навоий шеъриятидир.

Фитрат ушбу асарни чуқур ўрганди. Уни тил тарихи жиҳатидан таҳлил қилди. Асар саҳифаларида сочилиб ётган «назм парчаларини, мавзу эътибори билан» (Фитрат таъбирлари) сарлавҳалар остида бирлаштирди. Энг қадимги туркий тилдан XX аср боши адабий тилига ўгирди. Изоҳ ва луғатлар тузди. Баъзи сўзлар этимологиясини аниқлашда «Қутадғу билиг», «Ҳибатул ҳақойиқ», «Муқаддиматул адаб» каби энг қадимги манбалардан фойдаланди. Бундан ташқари олимнинг араб ва форс тилларини мукаммал билиши, тадқиқотининг илмийлик даражаси юксак булишини таъминлади.

Муаллиф «Девону луғотит турк» таркибидаги баъзи сўзларнинг ишлатилишига асосланиб, жуда муҳим ва айни пайтда тарихий далил бўларли хулосалар ясайди. Масалан: арабча ИБРИҚ[1] сўзининг эски туркий тилдаги ЭВРИҚ кўриниши ёки туркча ЗАЪФАРОН маъносидаги арабча КУРКУМ сўзларга таяниб: «Мана булар мазкур асарларнинг турк, арабларни биринчи учраш замонларига оид бўлғонин кўрсатадир», деб ёзади. Унинг фикрича, ушбу сўзлар ишлатилган вақт мелодий VI—VII асрларга мансубдир. Шу ўринда «Девон...»даги яна бир ўринга эътибор қилайлик: унда Фитрат томонидан махсус сарлавҳа остига жамланган «Уйғурлар уруши» дея номланган воқеабанд шеър бор. Шеърда дастлабки мусулмон турклари билан мажусий турклар ўртасидаги кураш тасвирланади:

**Бажком уруб, отлақо,**
**Уйғур дағи тотлақо,**
**Ўғри, ёвуз итлақо,**
**Қушлар каби учтимиз**
Мазмуни:
**Отларга парчам(а)лар**
**тақиб,**
**Уйғур ҳам тотлар устига,**
**Ўғри ҳам ёвуз итлар устига,**
**Қушлар каби учиб бордик.**

Шунга яқин бир тўртликни «Девону луғотит турк»нинг янги нашрида ҳам учратиш мумкин. (Т., 1960, 72-бет.) Ушбу тўртликдаги ТОТ сўзига Фитрат томонидан қуйидагича изоҳ берилган: «ТОТ — форс-тожик, сарт. «Девони луғат»да мусулмон бўлмаган туркларга ҳам «тот» дейилгани айтиладир. Мунда шуниси тўғри келадир». Бундан икки хулоса чиқариш мумкин. Биринчидан, тарихан «сарт» сўзи, ўрис мустамлакачилари айтмоқчи, ўзбекларга нисбатан эмас, балки форс-тожикларга нисбатан ишлатилган экан. Иккинчидан, тарихда мусулмон бўлмаган туркларни ҳам ТОТ деб аташ расм бўлган. Қашқадарё вилоятининг Касби туманида кеккайган, ҳаволаниб ўзгаларга қўпол муомала қилувчи кишиларга қарата «тотилама» сўзи ишлатилади. Бизнингча, бу буйруқ феъли юқоридаги ТОТ отидан ясалган, яъни «ТОТИЛАМА» — «МУСУЛМОНЧИЛИКДАН ЧИҚМА», деган маънони англатади. Ҳолбуки, мўмин-мусулмонга ҳалимлик буюрилган.

Энди икки оғиз «АЛП ЭР ТЎНГА МАРСИЯСИ» ҳақида. «Энг эски турк адабиёти намуналари» китоби «АЛП ЭР ТЎНГА МАРСИЯСИ» ва шахсан, Алп эр Тўнгага «Девони луғотит турк» саҳифаларида берилган таъриф матнини келтириш билан бошланади. Унда айтилишича, «тўнга» сўзи икки хил маънода ишлатилган: а) ТЎНГА БОТИР (йўлбарс) Заҳириддин Муҳаммад Бобур тахаллуси ҳам тўнга сўзининг ушбу кўринишидан олинган — У.Ж.); б) ТЎНГА — кўпчилик маъносида. Сўнгра Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асаридан АЛП ЭР ТЎНГАГА бағишланган шеърий таъриф келтирилади. Муаллиф бу далиллар билан ҳам қаноатланмай, «Турк тарихига оид форсий манбалар»га мурожаат қилиб («Равзат-ус сафо», 5-жилд), Афросиёб авлодларидан бирининг Боласоғунда шоҳлик қилгани ҳақидаги далилни келтиради. Бу Фитратнинг профессионал тадқиқотчи сифатида ишончли далилларга таяниб, чуқур илмий хулосалар ясаганидан гувоҳлик беради.

Фитрат томонидан тартиб берилган «Алп эр Тўнга» марсияси ўнта тўртликни ўз ичига олган. Ҳар бир тўртликда келадиган нотаниш сўзлар тартиб рақамлари билан берилиб, изоҳланган. Унинг остидан тўртлик таржимаси берилган.

«Девону луғотит турк», хусусан «Алп эр Тўнга марсияси»нинг кейинги нашрларида ёки шу муносабат билан ёзилган баъзи ишларда, атайин Фитрат номини четлаб ўтиш, унинг ишларини суиистеъмол қилиш, баъзан бу манбадан хабарсизлик туфайли «Марсия»ни асл мамзунидан анча йироқ таржима қилиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Бу илмийлик ва холисликка тамомила зиддир. Мана, бир мисол: 1993 йили ўрта мактабларнинг 9-синфи учун тузилган «Ўзбек адабиёти» дарслигида берилган «Алп эр Тўнга марсияси»нинг 3-банд, 3-мисраси «Элдан эрни четлатур», деб таржима қилинган, Фитрат таржимасида бу «Дунёни эрлардан бўшатадир» — инсонни ҳаётдан бевақт жудо қилади маъносида айнан мос келади. Бундай саҳвларни дарсликдаги таржиманинг деярли барча бандларида учратиш мумкин. Дарсликда «марсия»нинг 7-банд, 3-мисраси ҳам «Юзга заъфар санчади» шаклида таржима қилинган. Табиийки, ўқувчи юзга санчиладиган «заъфар» нима эканини тушуна олмайди. Ушбу мисрани Фитрат «Қойғу уларни шунчалар ориғлатғонким, заъфар суртилган каби юзлари сарғайиб қолибдир», дея ўгирган. Демак, Алп эр Тўнга ўлимидан қайғуга ботиб, йироқлардан от қўйиб келган бекларнинг юзлари заъфарон бўлиб кетган. Фитрат арабча КУРКУМ сўзини заъфарон ёки қайғудан юзнинг сарғайиб кетиши маъносида тушунтиради. Ушбу сўзга «Арабча-русча луғат»да: «КУРКУМА; КУРКУМОВЫЙ ИЛИ ЖЕЛТЫЙ КОРЕН, ЖЕЛТЫЙ ИМБИР», деб изоҳ берилган. («Арабско-русский словарь», Т., 1994). Бу ҳам Фитрат таржимасининг тўғрилигини тасдиқлайди.

Дарсликда берилган «Алп эр Тўнга марсияси»нинг 8-банд, 3—4-мисралари таржимаси ҳам ғализ. Ушбу банднинг Фитрат амалга оширган таржимасига эътибор қилинг:

**Улишиб, аран бурлаю,**
**Йиртин ёқо урлаю,**
**Сиқриб, уни юрлаю,**
**Сиғтаб, кўзи уртилур.**
Мазмуни:
**Эрлар, ботурлар**
**бўрилардек увладилар,**
**Ёқаларини йиртиб,**
**қичқирдилар,**
**Ашула айтиб, нола**
**қилдилар,**
Қаттиғ йиғлағонлари учун, кўзларини ёш тутди, ҳеч нарсани кўрмадилар.

Тўртликнинг луғат қисмида ЮРЛАМОҚ сўзига Фитрат қуйидагича изоҳ берган: «ЮРЛАМОҚ — буни тополмадим. «Девони луғат»да шу мисраъ «ашулачилар каби нола қилдилар» деб таржима қилинғон. Ашула маъносида «ЙИР» сўзи бор. Тўғриси «йирламоқ» бўлса керак». Туркий халқларда маросим қўшиқлари азалда айтилиши маълум. Қозоқ туркларида ЖИРЛАМОҚ сўзи — қўшиқ куйламоқ маъносида келадики, бу айнан ЙИРЛАМОҚ сўзининг ҳозирги қозоқ тилидаги шаклидир. Шу маънода Фитратнинг юқоридаги таржимаси ишончли чиққан дея оламиз. «Ўзбек адабиёти» дарслигида эса шу банднинг 3—4-мисралари «Ёқа йиртиб турдилар, йиғлаб-сиқтаб юрдилар», шаклида таржима қилиниб, мазмунга путур етказилган. Чамаси, таржимон УРЛАЮ сўзини ТУРДИЛАР, ЮРЛАЮ сўзини ЮРДИЛАР шаклида ўгириб қўя қолган. Банднинг охирги мисраси «Кўз ёшлари мўл бўлди», деб берилганки, бу на шеър мазмунига ва на ҳаётий мантиққа мос келади.

Хуллас, «Алп эр Тўнга марсияси» каби қадимий обидаларни оммалаштиришда юксак масъулиятни ҳис этиш лозим. Айниқса, бундай асарлар ўқувчиларга тақдим этилаётган бўлса, масъулият янада ортади. Зеро, XX аср бошларида фаолият кўрсатган янгича миллий тафаккур асосчилари ҳам, ўз ишларини мактабларни ислоҳ қилишдан бошлаган эдилар. Мактаб таълимида юқори билим беришга интилиш бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотгани йўқ.

**Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ,**
**ТошДУ аспиранти**

ИЗОҲЛАР: 1. Ибриқ — кўза. 2. Парчамала — пўпак.

# ХАЛҚ ТАЪЛИМИ РАҲБАРЛАРИ!

**Давлатимизнинг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»нинг қабул қилиниши барча халқ таълими ходимларига катта маъсулиятларни юклади. Юқоридагиларни ҳаётга жорий қилиш мақсадида А. Авлоний номидаги ХТХМОМИ 1998 йилнинг феврал ойи учун қуйидаги курсларни режалаштирди. Бу курсларда Ўзбекистон Республикаси давлат идоралари ва республика халқ таълими вазирлигининг маъсул ходимлари, чет эллик мутахассислар ҳамда таниқли олимлар, тажрибали педагоглар маърузалар ўқийдилар. Курс давомидаги амалий машғулотлар пойтахтдаги янги тур мактаблар, РТМ, халқ таълими музейи ва бошқа илғор таълим муассасаларида бевосита мулоқот шаклида ўтказилади.**

| Тоифалар | Ўқиш тили | Курс санаси | Курс муддати |
|---|---|---|---|
| 1 Туман (шаҳар) ХТБ мудирлари учун «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун бўйича мақсадли курс. (III оқим) | ўзб. | 2—7 | 6 |
| 2 Туман (шаҳар) ХТБ мудирлари учун «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун бўйича мақсадли курс. (IV оқим) | ўзб. | 9—14 | 6 |
| 3 Вилоят халқ таълими бошқармасининг ўқув ишлари бўйича муовинлари ва ВЎМОИ (ВПХМОИ) ректорлари учун «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун бўйича мақсадли курс. (V оқим) | ўзб. | 16—21 | 6 |
| 4 Янги тур мактабларининг директорлари учун курс. | ўзб. | 2—28 | 24 |
| 5 Лицейларнинг физика фани метод бирлашма раҳбарлари курси. | ўзб. | 2—28 | 24 |
| 6 Махсус (кар, заиф эшитувчи, кўзи ожиз ва заиф кўрувчи) мактаб интернатлари директорлари. | ўзб. | 16—28 | 12 |
| 7 «Истеъдод маркази» ходимлари учун мақсадли курс. | ўзб | 16—28 | 12 |
| 8 «Иқтисодий билим асослари» бўйича курс. | ўзб. | 2—14-12 | |
| 9 ЧЕТ раҳбарлари | рус. | 2—28 | 24 |
| 10 Инглиз тили дарсларида янги педагогик технологияларни қўллаш. | ўзб. | 16—28 | 12 |
| 11 Рус тилида ўқитиладиган мактабларнинг бошланғич синф ўзбек тили ўқитувчиларини лотин ёзувига ўргатиш курси. | ўзб. | 2—14 | 12 |
| 12 Лицейларнинг биология фани ўқитувчилари | ўзб. | 16—28 | 12 |
| 13 География фани методбирлашма раҳбарлари курси. | ўзб. | 2—28 | 24 |
| 14 Янги дарслик бўйича бошланғич синф ўқитувчилари учун мақсадли курс. | ўзб. | 16—28 | 12 |
| 15 Янги тур мактабларнинг ўзбек тили ва адибиёти ўқитувчилари. | ўзб. | 2—28 | 24 |
| 16 Кар ва заиф эшитувчи мактабларнинг якка машғулот ўқитувчилари. | ўзб. | 2—14 | 12 |

**Тингловчилар учун Марказий институт тасарруфидаги кутубхона, қироатхона, бепул ётоқхона ва 100 ўринли санаторий-профилакторий хизматда бўлади. Санаторий-профилакторийда 24 кунлик курс тингловчилари 2—3 феврал кунлари курорт карталари билан қабул қилинадилар. Курс харажатлари Марказий институт ҳисобидан тўланади.**

**Курс давомида тингловчилар учун таниқли педагог олимлар, санъаткорлар, матбуот ходимлари билан учрашувлар ва Амир Темур музейи ва бошқа маданий масканларга экскурсиялар уюштирилади.**

**Манзилимиз: Тошкент — 95. Талабалар шаҳарчаси. Саидов кўчаси, 6-уй.**
**Транспорт: Жанубий темир йўл вокзалидан 8-троллейбуснинг талабалар шаҳарчаси (охирги) бекатигача.**

# ТИРИК БАЛИҚ МОЖАРОСИ

(Воқеа)

Дилноза шаҳарда яшайди. У ёш олима. Кеча ишдан қайтаётиб у «Тирик балиқ» дўконидан биттагина карп балиғи сотиб олди. Балиқнинг катталиги 2—3 қарич бўлиб, кўзлари бўртиб чиққан, қандайдир жозибадор эди. Сув тўлатилган халтада жонивор эркалаб гоҳ оғзини очар, гоҳ думини ликкиллатар, гўё у мана-мана тилга кириб Дилнозага алланималар демоқчидай эди. Уйга олиб келдию сув тўлдирилган катта шиша идишга туширди. Балиқ янада хурсанд бўлиб кетгандай эди. «Яхшигинам, кичкинтойгинам», — беихтиёр гапириб юборди қиз.

Карп балиғи ўзининг жиҳатлари билан Дилнозага Ширин Шакаровични эслатар эди. Дилноза у киши билан ўтган йили бошқа шаҳарга дам олиш учун борганида танишган эди. Ширин Шакарович ҳам карп балиғига ўхшаб силлиққина, тим қора кўзлари бир оз бўртиб чиққан ва умуман олганда жозибадор йигит эди. Қиз ҳатто иккиси чўмилиш учун дарё бўйига боришган дақиқани ҳам эсга олди. Ўшанда Ширин Шакарович унинг бошидан оёғигача диққат билан назар ташлагани эсига тушиб озгина уялиб кетгандай ҳам бўлди. Бироқ... дам олиш муддати тугагандан сўнг Ширин Шакарович изсиз йўқолди. «Хат ёзаман, бораман...» каби гаплар фақат қизнинг хотирасида қолган эди.

Дилноза чуқур бир хўрсиниб олди-да, ўйга толди: «Энди буни нима билан боқдим?..»

Э, ҳа, ўртоғи Гулнора биология ўқитувчиси-ку! Унга телефон қилди. Гулнора тезлик билан аквариум ва керакли озиқ-овқат топиш кераклигини айтди.

— Карпни асраш — бу ҳеч гап эмас, — жавоб қилди ўртоғи. — Қўшниминг қаердандир тирик тимсоҳ олиб келиб қийналаётганини кўрмабсан. Диля, хоҳласанг менда аквариум бор. Каттагина, бир вақтлар мен ҳам балиқ асраганман...

Дилноза автобусга ўтирдию ўртоғиникига жўнади. Иши ўнгидан келди, орқасига тез қайтди. Икки киши ёрдамида аквариумни катта эшикдан ичкарига олиб кирди-ю тек туриб қолди. Ҳамма ёқни қоврилаётган балиқ гўштининг ҳиди босиб кетган эди. Ошхонага чопди. Кампир онаси майда-майда қилиб тўғралган карп гўштини шоша-пиша қовурар эди...

— Жуда яхши балиқ сотиб олибсанда, қизим, — мақтади кампир. — Сенга бугун ҳам бир оз ёрдам қилиб қўяй дедимда. Ахир, ишдан чарчаб қайтасан. Озгина дамингни олақол, садағанг кетай.

Дилнозанинг эсига яна ўша Ширин Шакарович тушди. Чунки шу тобда қизнинг ўзи балиққа ўхшаб кетгандай эди. Ахир, у ҳам севги ўтида балиқдек қоврилди-ку.

— Қачон бўлса менинг шахсий ишимга аралашиб юрасиз-да! — хитоб қилди қиз.

— Бу ишим билан ҳам ёқмадимми? — хафа бўлгандай жавоб қилди кампир.

Шу пайт юкни олишиб келганларнинг қичқириғи эшитилди:

— Хоним, аквариумни қаерга жойлайлик!

— ...

Дилноза юпқагина рўмолчасини олиб нам кўзларини артди-да, ётоғига кириб кетди.

**Абдуллажон АБДУРАҲИМОВ,**
**Булоқбоши туманидаги 21-мактаб ўқитувчиси**

Bilasizmi?

## КИЧИК ВЕНЕЦИЯ

*1499 — 1502 йилларда машҳур денгиз сайёҳи Америго Весспучи ўз кемалари билан Янги дунё (Америка) қирғоқларига сузиб бораётганида Маракибо кўрфазига кириб қолади. Бу ердаги халқларнинг сваялари (қозиқлар) устига қурилган иморатлари уларни ҳайратда қолдиради.*

*Америго флоренциялик бир кишига юборган хатида «Бу ердаги қишлоқлар Венецияга ўхшайди, улар сувнинг лабгинасига жойлашган бўлиб, бири иккинчиси билан кўприк орқали алоқа қилади», деб ёзган эди.*

*Кўрфаз қирғоғидаги қишлоқларни Америго Венецуэла, яъни кичик Венеция деб атади. Натижада, Жанубий Американинг шимолий қирғоғидаги бир миллион квадрат километрга яқин майдонга эга бўлган бутун мамлакат Венеция деб атала бошланди.*

## «ИЛОН ОҒЗИ» БЎҒОЗИ

*1498 йилда Колумбнинг кемалари номаълум қитъанинг соҳилидан торгина бўғоз билан ажралиб турган Тринидад оролининг жануби-ғарбий қирғоғига етиб борган эдилар.*

*Колумб бўғозга лангар ташлашни буюрди. Тонгга яқин кучли тўлқин бошланиб, икки кема лангардан узилиб қолди. Денгизга океандан кучли тез оқим келаётганини кўрдилар.*

*Колумб юборган икки қайиқ гирдобни айланиб ўтиб, тинчгина кўрфазга кириб борди. Мана шу бўғозни Колумб «Бокадель-сьерпе» деб атади. Бу ибора испанча бўлиб «Илон оғзи» демакдир.*

**А. АЛИЕВ тайёрлади**

# МОМО ҚИШ*



Яна далаларнинг шовқини тинди,
Яна раққосадек тинди момиқ қор.
Январь оқшомлари, айвонда энди
Хаёл сурмакликни этдинг ихтиёр.



Бу — ойнакўл эмас, қиш — бу, замҳарир,
Кўнгил тубларида сирли хаёллар.
Борлиқ ҳам мисоли ўйчан мусаввир
Нақш этмиш деразанг узра саволлар.



Зангори баҳорни ётар туш кўриб,
Қайдадир, уммонлар тубида қуёш.
Момо қиш оқ жужун тўқир ўлтириб,
Келинчак заминга ягона сирдош.



Оппоқ рўмолига ўраб куртагин,
Ухлайди қиш бўйи бу зангор чирой.
Фақат, ором ол, деб сўйлаб эртагин,
Кезади далалар тепасида ой...





* Абдулла ОРИПОВнинг «Январь» шеъри асосида Абдул Ғани ЖУМА тайёрлаган сурат-лавҳалар

Xullas...

## «ҚАСОСКОР» ҲАЙКАЛ

... Буни қайтар дунё дейди. Ростданам шунақа бўлди. Маринес шаҳрида яшовчи Мельхиор Каффа исмли машҳургина ҳайкалтарош ёшлигида бир кишини ўлдириб қўйган эди. Бироқ қотилнинг ишини Эгамдан бошқа ҳеч зот билмасди. Қотил эса кексайган сари виждон азобида қийналарди. Охири у бу қийноқларнинг йўлини топди. Яъни қотил-ҳайкалтарош енг шимариб уёққа кузатган одамнинг ҳайкалини ясай бошлади. Бироқ қабр устига қўйилишга мўлжалланган улкан ҳайкал битай деб қолганда эҳтиётсизлик содир бўлди. Натижада устанинг бошига ағдарилиб тушган ҳайкал ўз хожасига ҳалиги дўсти кетган «йўл»ни кўрсатиб қўйди.

## «РАҲМДИЛ» ЮЛИЯ

— Унинг бойвачча хотин эканлигини бир кўрищда сезган эдим, —дейди судьяга киприк қоқмасдан Юлия Антипова. Нижний Новгородда содир бўлган бу воқеа кўпчиликни нафақат ёқа, балки юрак ҳам ушлатди.

Шаҳарнинг гавжум кўчаларидан бирида жабрланувчи хонимнинг юрак хуружи тутиб қолади. Шу пайт бизнинг «қутқарувчи» қаҳрамонимиз «Тез ёрдам» кўрсатиб, аёлни ҳолироқ жойга олиб ўтади. Сўнгра бу «хизмати» учун беморни шип-шийдам қилиб, яна ўз йўлига равона бўлади. Аммо бу ҳолни кузатиб турган қоровул чолнинг зийраклиги хонимчанинг йўлини «темир қафас» узра бурди. Алқисса, бу қафасдаги «қуш»чанинг сайроғини жумламиз аввалида тингладингиз.

## «СОДДА»СИГИРЛАР

Ҳинд контрабандачилари XX асрнинг энг ноёб усулидан фойдаланмоқчи бўлдилар. Мамлакатнинг Висакхапатанам портидан Бирмага олиб ўтилаётган 50 га яқин сигирнинг бири муттаҳамнинг сирини очиб қўйди. Воқеа эса ғайриоддий тарзда кечди. Нима бўлди денг. Яхшигина юриб кетаётган сигирларнинг бири таппа тушиб «ўламан» деб «чинқира» бошлади. Бечора сигирга ёрдамга шошилганларни эса эгаси «бемор»нинг яқинига йўлатмайди. Бу ҳолатдан шубҳаланган миршабларнинг текшир-текшири бошланиб қолди. Натижада эса ҳар бир сигирнинг ошқозонида 500 граммдан олтин борлиги аниқланади.

ana shunaqa gaplar

**Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти ректорати, жамоат ташкилотлари, фалсафа кафедраси аъзолари ушбу кафедра мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор Фозилжон Исмоиловга волидаси САЛОМАТХОН она вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.**

**Тошкент шаҳар Халқ таълими Бош бошқармаси, шаҳар халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси, Чилонзор тумани ҳокимияти, Чилонзор туман халқ таълими бўлими ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси тумандаги 131-мактабнинг собиқ директори Қўчқор ТУРСУНОВ вафот этганлиги муносабати билан оиласига чуқур таъзия изҳор этади.**

**А. Авлоний номидаги ХТХМОМИ ректорати ва касаба уюшмаси жамоаси шу институт бош ҳисобчиси М. Шоғуломовага укаси Шукурулло МАҚСУДОВ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.**

**Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети ректорати ва касаба уюшма қўмитаси «Янги демократик жамият қуриш назарияси ва амалиётини ўрганиш» Марказининг раиси, педагогика кафедраси доценти Қ. Тошмуродовага онаси Заҳро ДАВРОНБЕКОВА вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.**

Sport maydonchasi

## ЯНА ИККИ КУНДАН СЎНГ...

**Яна икки кундан сўнг, яъни 24 январь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги чемпионларининг навбатдаги кубок баҳслари бошланади. Ғолибларга бериладиган умумий мукофот миқдори 100 минг АҚШ долларига тенг. Чорак финал 28, ярим финал 30 ва финал ўйини 1 февралда ўтказилади. Эътиборингизга гуруҳ аъзолари рўйхатини ҳавола этамиз.**

**«А» гуруҳи**

1. «Спартак» Москва
2. «Арарат» Ереван
3. «Динамо» Минск
4. «Вахш» Тожикистон

**«В» гуруҳи**

1. «Капетдоғ» Туркманистон
2. «Зимбру» Молдова
3. «Кареда» Литва
4. Россия олимпия терма командаси

**«С» гуруҳи**

1. «Динамо» Киев
2. «Флора» Эстония
3. «МҲСК» Ўзбекистон
4. «Нефтчи» Озарбайжон

**«Д» гуруҳи**

«Сконто» Латвия
«Динамо» Тбилиси (Грузия)
«Иртиш» Қозоғистон
«Олға» Қирғизистон

Ma'rifat
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар:
Аҳмад ОТАБОЕВ,
Хайрулла АБДУРАҲМОНОВ

ИНДЕКС: 149, 150. Г-0905. Тиражи 53343. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6